Кнз.
10 НОЯ 15841

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 250 (5541).
31 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА

МУНОСИБ АРМУҒОН

Пойтахтимизнинг кўпгина илғор саноат корхоналари қатори кўн-гина ва спорт бутерея ишлаб чиқариш лашмаси ишчилари серкуёш Узбекистимизнинг шонли юбининг меҳнатда муноҳфалар билан кутолдилар. Корхона ктив КПСС XXVI зди, КПСС Марказий митетининг кейинги нумлари қарорлашаҳар билан ҳатадбиқ эта борибак кўрсаткичларга шди.

ашма фидокорлаинг юбилей йилиг ўн ойи давомида рланган маҳсулотн миллион сўмликка

етиб, план муваффақиятли адо этилди. Йил охиригача бу ерда яна салкам беш миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Мусобақада ВЛКСМ XIX съезди делегати М. Юнусова бошлиқ бригада коллективи, В. Комарова, С. Сальников, Н. Заварилина, М. Илёсова сингари юздан зиёд жонкуярлар пешқадамлик қилишяпти.

Корхонада қутлуғ сана шарафига янги моделдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши, айниқса кувончли воқеа бўлди. Пластмасса гардишли дипломат-сумкалар, аёллар сумкалари, камар-бандлар сингари буюмлар шулар жумласидандир.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! УЮШҚОҚЛИК ВА ИНТИЗОМНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КУЧАЙТИРИНГИЗ!

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ПЛАНЛАРИ СУЗСИЗ БАЖАРИЛИШИГА ЭРИШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

1988 йил ҳисобига

БУГУН

бадиий буюмлар фабрикасининг илғор ишчилари А. Зохирова, М. Мирзаахмедова, Н. Олимова ҳамда Х. Фузанловалар 1988 йил ҳисобига меҳнат қила бошлашди. Бу пешқадамлар корхонанинг ўндан зиёд фидойилари қаторидан бир беш йилликда ўн йиллик топшириқни уддалаш учун курашишяпти. Улар Совет халқи немис-фашист босқинчилари устидан қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланадиган кунгача ўн иккинчи беш йиллик планини бажаришга бел боғлашган.

Фабрика коллективи қутлуғ юбилей йилида 27 миллион 550 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлашга сўз берган. Ана шу миқдорнинг 500 минг сўмлиги меҳнат унумдорлигини планга қўшимча равишда ошириш эвазига тайёрланади.

Корхонада, шунингдек маҳсулотларнинг янги хилларини оммавий равишда ишлаб чиқаришга жорий этиш тадбирлари ҳам муваффақият билан амалга ошириляпти. Жумладан, икки хил сўзана, зардевол сингари ўттиз хилга яқин янги кўркам буюмлар аллақачон кенг миқёсда тайёрланиб, савдо тармоқлари ҳамда буюртмачиларга жўнатилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Наманган область Поп районн почта бўлимининг ходимаси Н. У. Григорьева нонининг сифати ёмонлиги тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ариза билан мурожаат қилди.

Шу нарса аниқландики, матлубот кооперацияси Поп ғалла маҳсулотлари комбинати раҳбарларининг беғамлиги ва жиноий бепарволиги натижасида нон сифатсиз ундан, ишлаб чиқариш технологиясининг асосий қоидаларини бузган ҳолда ва хом ашё ҳамда тайёр маҳсулотнинг сифатини лабораторияда контроллик қилмай ёпилган. Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги Поп ғалла маҳсулотлари комбинатининг раҳбарлари ўз хизмат бурчига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлганлар, бу ерда сақлаш қоидалари қўпол равишда бузилишлари сабабли ун ва бошқа маҳсулотлар яроқсиз бўлиб қолишига йўл қўйилмоқда.

Текшириш Наманган областининг бошқа ғалла қабул қилиш ва нон ёпиш корхоналарида ҳам санитария талаблари қўпол равишда бузилаётганлигини кўрсатди. Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси магазинларида ғалла маҳсулотларини сақлаш санитария режимига риоя этилмаяпти. Бу ерда нон ва нон-булка маҳсулотлари савдоси етарли даражада ташкил этилмаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги ва Савдо министрлигининг, шунингдек Ўзбекбирлашув правлениесининг раҳбарларини аҳоли яхши сифатли ғалла маҳсулотлари билан таъминланиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида қатъий огоҳлантирди, шу тармоқларнинг барча корхоналаридаги камчиликларни дарҳол бартараф этишни ва тегишли тартиб ўрнатишни талаб қилди. Унинг бузилишида ва сифатсиз ғалла маҳсулотлари тайёрлаб чиқаришда айбдор бўлган ходимларнинг ишларини тергов органларига топшириш таклиф қилинди.

Нон ресурсларини сақлаш, улардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш умумхалқ иши эканлиги ҳамда бу ишлар партия, совет, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг зўр эътибори ва назорати остида бўлиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

САМИМИЙ ДЎСТЛИК САМАРАСИ

30 октябрь куни Тошкентда Совет — Финляндия ойлик расмли «Мир и мы» («Дунё ва биз») журнали редакцион кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Журнални Хельсинкида «СССР — Финляндия» ва «Финляндия — СССР» жамиятлари биргалашиб нашр этади. Уикки мамлакат журналхонларига маълум бўлганига 15 йилдан ошди. Кенгаш ишида СССР ва Финляндиянинг таниқли жамоат арбоблари, ёзувчилари, журналистлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар — редакцион кенгаш аъзоси, Ленин мукофоти ва Давлат мукофоти лауреати, Дағистон халқ шоири Р. Ҳамзатов, «Финляндия — СССР» жамияти раисининг ўринбосари, ҳукумат маслаҳатчиси М. Кекконен ва бошқалар журнал давлатларимиз ўртасида самимий дўстлик ва ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётганлигини айтдилар.

Мажлисда қилинган ишлар якунланди, келаси йилги режалар тасдиқлаб олинди. Бунда фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилишга, ёшлар ва студентларнинг Москвадаги жаҳон фестивалига тайёргарлик кўришга катта ўрин берилади.

Шу куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов журнал редакцион кенгаши аъзоларини қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Матбуот маркази хабар беради

Ишчанлик вазиятида

Октябрь ойи охиригача 1843 бошланғич партия ташкилотида партия ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларнинг ҳисобида 49741 коммунист туради. Йиғилишлар коммунистларнинг юксак активлигида ўтяпти. Уларда 47862 киши ёки партия учётида турганларнинг 96,2 проценти қатнашди. Ҳисобот докладлари бўйича музокараларда 12 мингдан зиёд киши, шу жумладан 1905 ишчи сўзга чиқди. Йиғилишларнинг қатнашчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорларини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этишга меҳнаткашларни сафарбар этиш ва партия ташкилотларининг роли ва жанговарлигини оширишга асосий эътиборни қаратишяпти. Партия ташкилоти фаолиятининг барча, томонларини чуқур таҳлил этиш, ишлаб чиқариш ва тарбиявий ишларга унинг таъсирини кучайтириш имкониятлари эътибордан қочирилмаяпти.

Йиғилишларнинг кўпчилиги принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида коммунистларнинг ўзаро талабчанлиги вазиятида ўтказилди. 7600 дан зиёд танқидий фикр ва мулоҳазалар билдирилди, бундан 1418 таси ҳозирнинг ўзида реализация қилинди. Тошкент асбобсозлик заводи, 2505-автоколонна, қурилиш лойиҳалари илмий-тадқиқот институти, «Узместпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси кабиларда бошланғич партия ташкилотлари йиғилишлари ўзаро талабчанлик, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятида ўтди.

Коммунистлар эришилган ютуқларни танқидий баҳолаб, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, КПСС аъзоларининг топширилган иш участкаси учун масъулиятини ошириш масалаларини принципиаллик билан жиддий қўймоқдалар. Ишни яхшилаш резервлари ҳамма жойда бор. Шундай қилиш керакки, резервлардан беш йилликнинг якунловчи босқичида тўлароқ фойдаланилсин, улар КПСС XXVI съезди қарорлари, 1984 йил ва умуман беш йиллик планлари ва мажбуриятлари бажарилишига активроқ хизмат қилсин.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ерларни мелиорациялаш ва мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000-йилга мўлжалланган ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида маъқулланган узоқ муддатли программасига мувофиқ СССР Министрлар Совети «Колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида мелиорация қилинган ерлардан юксак самарали фойдаланишни таъминлаш тадбирлари тўғрисида», «Ички хўжалик мелиоратив системаларини колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг балансидан давлат эксплуатацион сув хўжалиги ташкилотларининг балансига ўтказиш тўғрисида» қарорлар қабул қилдилар. Мазкур қарорларнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

МУКОФОТ МУБОРАК, ЛАУРЕАТЛАР!

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бюроси адабиёт, санъат, журналистика ва архитектура соҳасида Ўзбекистон Ленин комсомолининг 1984 йилги мукофотларини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриётининг ўсмирлар учун бадиий абадиёт редакциясининг мудири Хуршид Давронов «Қушлар билан учиб келаман», «Тўмарисниng кўзлари», «Тунги боғлар» шеърий тўпламлари учун, «Совет Ўзбекистони» газетасининг мухбири Абдуқодир Ниёзов БАМ ва Ноқоратупроқ ўлкасининг ёш қурувчиларига бағишланган очерклар туркуми ва мақолалари учун, Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг солисти Надежда Чурадаева ва Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясининг солисти Ғулом Еқубов, М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат хизмат кўрсатган халқ рақс ансамблининг балет артистлари Нурхон Зулинова ва Малика Ҳайдарова, Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият уйининг «Бахтиёр болалик» хореография ансамбли лауреат бўлишди.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари Жазоир революциясининг 30 йиллигини нишонламоқдалар. ЖХДР миллий байрами шарафига 29 октябрь куни Тошкент жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон пойтахтининг олий ўқув юртларида таълим олаётган жазоирлик студентлар қатнашдилар.

Сўзга чиққан кишилар дўст Жазоир халқига янги ҳаёт қуришда янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

КУЙБИШЕВ СТАНОКСОЗЛАРИГА

Технолог» илмий-аб чиқариш бирмаси коллективи стельмаш» заида тайёрлаб чиқаётган «Дон» турндаги ғалла ўрадиғ комбайнларининг -янги намуналарияратишда фаол шмоқда. Жумлан, бирлашманинг бсозлик корхонаси масига қаттиқ қомалар ва ўта қатметаллардан илғор конструкциядаги янги асбобларни лойиҳалаш ва синаш вазифаси топширилган. Бундай ҳар бир асбобнинг ўзи ғоятда нодир ҳисобланади.

— Улуғ Октябрь байрами арафаси кунларида, — деди асбобсозлик корхонаси бош конструктори ва раҳбари П. Л. Жадановский, — мутахассисларимиздан Б. Я. Сахновнч, Г. В. Дементьев, И. Медведьев ва бошқалар Куйбишев шаҳридаги станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб «Дон» комбайнлари учун ғоятда мураккаб деталларни қайта ишлайдиган автоматик линияни ишга тушириш билан шуғулланишмоқда. Бу линия учун барча ускуналар ўзимизда муваффақиятли лойиҳаланди ва лаборатория синовларидан ўтди. Энди у саноатда давлат синовидан ўтяпти. Корхонамизнинг етакчи конструктори ва цех партия ташкилоти секретари В. А. Кравцов, йўнувчи Т. В. Попова, катта инженер А. Зеров ва бошқа инженер ва ишчиларимиз бу ускунани яратиб, масъулиятли буюртманн ўз вақтида бажарилишига муносиб ҳисса қўшишди.

ТРАНСПОРТЧИЛАР ҲИММАТИ

Ана шу долзарб кунларда шаҳарлик ҳашарчилар қатори 6-таксомотор паркининг ҳайдовчи ва слесарлари ҳам Тошкент область Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз далаларида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Кунига колхоз хирмонига 2—3 тоннадан пахта тўкилмоқда. Улар ёрдамида колхоз 19 октябрда пахта планини ошириб бажарди. Аммо ҳали далада ҳосил кўп. Шунинг учун транспортчилар суръатни бўшаштирмаяптилар.

Теримда ҳайдовчи ва слесарлардан Б. Кузнецов, Б. Ғойибов, А. Аҳроров, Ғ. Халилов, Б. Аминов, И. Назаров, Н. Богарь, С. Павлов ва бошқалар кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Улар кунига 70—80 килограммдан пахта термоқдалар.

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№ 26

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Қ. Каримов, М. Юнусовлар хабар қилалар.



«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта йиғирлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — ҳисоб бошидан буён.

Фарғона	1,00	95,52
Тошкент	1,02	93,40
Наманган	1,00	90,63
Андижон	0,90	86,41
Хоразм	1,10	81,85
Сурхондарё	0,88	81,61
Сирдарё	1,52	80,44
ҚҚАССР	1,27	68,81
Самарқанд	1,07	67,74
Жиззах	0,93	61,10
Бухоро	0,52	59,40
Навоий	0,89	57,28
Қашқадарё	0,71	44,62
Республика бўйича	0,97	75,16



Халқ хўжалиги институти байроқдорлари

Ю. Фучик номли совхозининг дала шийпонида тантаналн вазиятда навбатдаги беш кунлик ғолибларнинг мукофотлаш маросими ўтаётган эди. Мана, мусобақа пешқадамлари кўчма вимпелларни олишди, уларни ўртоқларн табриклашмоқда. Орадан бир неча минут ўтар-ўтмас халқ хўжалиги институтининг барча студентларнинг яна пахтазорда кўриш мумкин эди — йиғим-терим жадал суръат билан олиб борилмоқда.

Биз қулай вазиятдан фойдаланиб, олий ўқув юртининг ректорн М. Ш. Шарифхўжаев билан суҳбатлашамиз:

— «Оқ олтин» йиғим-теримида институтимизнинг 3500 дан зиёд студентн иштирок этмоқда, — деб ҳикоя қиладн Мурод Шарифхўжаевич, — улар 54 отрядга бўлинган. 20 кун ичида 3500 тонна пахта териб бердик. Мана қаторасига уч беш кунликдан бери коллектив республика олий ўқув юртлари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчиликни қўлдан бермай, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланмоқда. Теримда ўрнак бўлган 60 нафар илғор республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Ёрлиқлари билан мукофотланди. Отрядлар ўртасида эса «Эврика» ва «Авангард» отрядлари пешқадамлик қиляпти.

Коммунист, совет ҳуқуқи кафедрасининг катта ўқитувчиси Ю. Турсунов бошчилигидаги звено меҳнат беллашувида энг яхши кўрсаткичга эришди.

Халқ хўжалиги институтининг студентлари Жиззах областининг Арнасой районидаги Фучик номли ва Ворошилов номли совхозлари далаларида ғайрат билан меҳнат қилишяпти.

СУРАТЛАРДА: халқ хўжалиги институтининг студентлари пахта теримида.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг реле ва автоматика заводи бу йилнинг сўнгги экспорт буюртмасини муддатидан илгари бажарди. Мураккаб аппаратураларнинг катта туркуми ГДР, Туркия ва Эронга жўнатилмоқда.

●

Экскаватор заводининг конвейеридан ГДР қурувчиларига жўнатилдиган охирги 25 та машина туширнб олинди. Корхона ўз маҳсулотининг ярмидан кўпини давлат Сифат белгиси билан чиқармоқда ва жаҳоннинг 15 мамлакатига жўнатмоқда.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб совт 11 да Тошкентда 15 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 7—9, эртага кундузи 16—18 даража иссиқ бўлади.

МОСКВА. Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун совет гроссмейстерлари А. Карпов — Г. Каспаров ўртасидаги матчнинг ўн тўққизинчи партиясида дуранг натижа қайд этилди. Бу матчда қаторасига қайд этилган ўнинчи дурангдир.

Регламент бўйича навбатдаги йиғирманчи партия бугун ўйналиши лозим. Оқ доналар билан Г. Каспаров ўйнайди. Матчда жаҳон чемпиони А. Карпов 4:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

№ 4

ИНСОН. ЖАМИЯТ. ҚОНУН.

● ЎРТОҚЛИҚ СУДЛАРИНИНГ РОЛИ ОШИРИЛСИН.

● СОЦИАЛИСТИК МУЛКНИ АСРАЙЛИК.

● ҚЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАСИ ВЕТЕРАНИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ.

● БИРГАЛИКДАГИ КУЧ-ҒАЙРАТ БИЛАН.

ЎРТОҚЛИК ҲУКМИГА ҲАВОЛА

Партиямиз пленумларининг қарорларида янги инсонни тарбиялаш, уларда меҳнатга коммунистик муносабатни шакллантириш меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ошириш, онгли интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш коммунистик қурилишда партия ва совет давлати олдида турган марказий масалалардан бири сифатида таъкидланган.

Кўпгина давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ана шу масалаларни ҳал этишга сафарбар этилган. Ишлаб чиқариш ва территориал хусусиятларга кўра тузиладиган ўртоқлик судлари шундай жамоат органларидан биридир.

Тошкент шаҳрининг ўртоқлик судлари маҳаллий Советлар, партия ва касаба союз ташкилотлари раҳбарлигида граждан ларни совет қонунлари ва коммунистик ахлоқ нормаларининг бузилишига мурosасизлик руҳида тарбиялаш бўйича самарали ишларни амалга оширмоқда.

Ҳозир шаҳримизда 1782 ўртоқлик судлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ўтган йили 6 мингга яқин салбий ҳодиса ва ишни кўриб чиқди. Меҳнат интизомининг бузилиши, ичкиликбозлик, прогуллар, социалистик мулкнинг талон-тарож қилиниши, безорилик ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўртоқлик судлари ишидаги муваффақиятлар кўп жиҳатдан, ташаббускор, зарур тайёргарликка эга бўлган, бу соҳани севувчи кишиларнинг ана шу ишга сайланишига боғлиқдир.

Масалан, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўртоқлик судлари цехлар ва бўлимлар бўйича тузилган. Уларга ўзининг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан қўйилган вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қодир бўлган ишчи-хизматчилар сайланган. Ҳаммаси бўлиб бирлашмада 90 дан ортиқ ўртоқлик судлари иш олиб бормоқда. Уларга 460 га яқин киши сайланган. Ўтган йили жамоатчилик асосида ишловчи ана шу ўртоқлик судлари 359 та ишни кўриб чиқди.

Корхонанинг ўртоқлик судлари ҳар бир конкрет ишни муҳокама этишга жиддий тайёргарлик кўради, йўл қўйилган жамиятимиз нормаларига зид ҳолларни айбдорнинг ишдаги ўртоқлари иштирокида кўриб чиқади ва мақбул тадбирларни қўллайди. Бундай чуқур муҳокама қилиниб, амалга ошириладиган ишлар катта тарбиявий таъсир кучига эга бўлмоқда. Айни пайтда муҳокамада иштирок этган бошқа кишиларга ҳам самарали таъсир қилмоқда.

Бундан ташқари, ўртоқлик судлари айрим ножўя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўяётган ишлаб чиқариш ходимлари ва хизматчиларнинг ахлоқини муҳокама этиш бўйича ҳам системали равишда профилактика ишларини олиб бормоқда.

Авиасозлар ўртоқлик судларининг ана шундай кўп қиррали фаолияти натижаси йилдан-йилга ҳуқуқ бузилишларининг, меҳнат, план ва давлат интизоми бузилишларининг камайишида яққол кўринмоқда. Ишга келмаслик ҳоллари шу йилнинг олти ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 50 процентга камайди.

Завод касаба союз комитети томонидан ўртоқлик судлари фаолиятига раҳбарликнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ютуқлар гарови бўлмоқда. Корхона маъмурияти ўртоқлик судларининг ишидан манфаатдордир. Шунинг учун ҳам уларни қўллаб-қувватлаб, зарур ёрдам кўрсатмоқда.

Ўртоқлик судларининг иши юксак даражада ташкил этилганлигига шаҳримиздаги бошқа кўпгина корхоналардан ҳам мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи (раиси Р. Ахоров), «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг Тошкентдаги бош корхонаси (раиси Н. Хмарская), 1-автокомбинат (раиси Ф. Ковалев), 2519-автоколонна (раиси С. Белинский), «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги бош корхонаси (раиси Ф. Иброҳимов) ва бошқа ташкилотларнинг ўртоқлик судлари шу кунларнинг талаблари асосида иш олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга зарур фаолият кўрсатмаётган, камчиликларнинг муҳокама этилиши юзасидан ташаббускорлик қилмайдиган ёки бунга кам эътибор берадиган, меҳнат интизомининг бузилиши, давлат мулкини талон-тарож қилиш фактлари бўла туриб, уларни муҳокама этмайдиган ўртоқлик судлари ҳам йўқ эмас.

Шундай корхона, муассаса, ўқув юртлари ҳам борки, уларнинг ўртоқлик судлари қоғоздагина бор холос, улар амалда ҳеч қандай жамоат ишларини олиб бормайдилар.

Шаҳар корхоналаридан биргина прогуллар туфайли миллионлаб сўмлик маҳсулотлар кам тайёрланяпти. Шунга қарамай, айрим ўртоқлик судлари ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масаласига принципиал позицияда бўлмаяптилар.

КПСС Марказий Комитетининг XXVI съезди қарорлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумларида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун меҳнат коллективларида ўртоқлик судларининг тарбиявий ва профилактик ишларини мустаҳкамлаш, салбий ҳодисаларни, қоида бузилишини фақатгина ўз йиғилишларида кўриб чиқиш билангина чекланмаслик лозим. Негаки, жамоатчилик таъсири катта куч. Агар у касаба союз, ҳуқуқ органлари, маҳаллий Советларнинг ёрдами билан мустаҳкамланса корхоналар ва ташкилотларда ҳар қандай салбий ҳодисаларга муросасизлик муҳити вужудга келади. Бу эса ўз навбатида, коммунистик жамиятнинг янги кишисини тарбиялаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

М. ХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлими бошлиғининг ўринбосари.







Ички хизмат катта лейтенанти Олег Болганов ҳақли равишда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан сақлаш бошқармаси давлат ёнғинидан назорат этиш бўлимининг энг яхши ходимларидан бири саналади. У ишни бундан саккиз йил бурун оддий ўт ўчирувчи сифатида бошлаган эди. Кейин ўрта билим юртини битирди. Ҳозир Тошкент олий ўт ўчириш техника мактабида ўқишни давом эттиряпти. Ишчанлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги учун ўртоқлари Олегни Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг комсомол ташкилоти секретари этиб сайлашган.

ПЕШҚАДАМЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ

* * *

Ушбу ёқимтой қизни шаҳримизнинг гавжум чорраҳаларида тез-тез Жўрабоева — ГАИ инспекўриш мумкин. Нигора пектори. Тошкент махсус милиция мактабини битириб, ўн йилдан бери Тошкентда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдек қийин ишга ўз ҳиссасини қўшяпти. У ўз вазифасини аъло даражада уддалаяпти. У шаҳар ГАИ бошқармасининг жамоат ишларида фаол қатнашяпти, комсомол ташкилотининг секретари сифатида жонбозлик кўрсатяпти.

* * *

Бекмурод Исмоилов Совет Армияси сафидан қайтгач, 1972 йилда комсомол йўлланмаси билан ГАИ бўлимига ишга келган эди. Ҳозир у ҳам ёш инспекторларга ёрдам беради, ҳам ўзи ўқийди. У ҳозирги кунда ўрта техника маълумотини олишга тайёрланмоқда.

Т. Ким.

ЎЗГАЛАР ТАШВИШИДА

Дружиначилар балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича катта инспектор В. Муллаянованинг кабинетига ўн икки ёшлардаги ўсмирни олиб киришди.

— Сизнинг тарбиянгиздаги болага ўхшайди, Венера Александровна. Магазинда ўртоқлари билан сигарета сотиб олаётган экан. Бошқалари қочиб кетишди. Бу эса кетишга шошилмади ҳам.

— Нега бошқалар билан қочиб кетмадинг?

Бола тундилик билан қошларини чимирди:

— Мени таниб қолишди, демак сизга албатта айтишган бўларди. Яхшиси...

—Демак, яна бошлабсан-да. Сен билан яна қанча гаплашиш керак, —катта инспектор В. Муллаянова ташвишланиб сўради.

У ҳар куни бундай суҳбатларга дуч келади. Кўпинча бир ўсмир билан қайта-қайта суҳбатлашишига тўғри келади. Баъзан тоқати тоқ бўлади, лекин у билади: ҳаракатлари зое кетмайди.

— Айтингчи, Венера Александровна, ишни қандай уддалайсиз?

— Тўғри, ҳамма ишни уддалаш қийин. Инспекторларимиз Р. Тоймуҳамедов, С. Сергеева. Н. Звонилина, А. Кундузов ва бошқаларнинг иши жамоатчилик совети ёрдамисиз унчалик самара бермаган бўлур эди. Бу яқин алоқа ўз самарасини беряпти. Ўспиринлар ўз қилмишларига онгли муносабатда бўлишга интилишяпти, ишга киришяпти. Биз бундайларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида мамнунлик билан район ички ишлар бўлимига тавсияномa берамиз.

Ана шу мақсадга эришиш учун вақт, сабр-тоқат керак бўлади. Кўпинча ўсмирнинг характерига «калит» топиш осон бўлмайди.

...Мана кекса аёл кириб келди ва суҳбатимиз узилди. Бу аёлни қизининг тақдири ташвишлантираётган экан. У ўқишни ўлда-жўлда қолдириб, мактабга бормай қўйибди, гоҳида уйига келмас экан.

— Нима қилсам экан, ёрдам сўраб келдим,— ташвишланди она.

—Бу иш билан шуғулланаман, —деди Венера Александровна блокнотига қиз ҳақидаги маълумотларни ёзиб олар экан.

— Ота-оналарнинг кўпчилиги бизни ўзларининг яқин ёрдамчилари деб билишади,— дея суҳбатни давом эттирди В. Муллаянова.— Чунки бола тақдири ҳамма учун муҳим. Афсуски шундай оилалар борки, уларда бола тарбияси билан шуғулланишни исташмайди. Улар билан кўп ишлашга тўғри келади. Ҳеч қандай натижа чиқмаган тақдирда эса ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этишга тўғри келади.

Катталар ўсмир тақдирига жавобгардирлар. Биз буни ҳамма тушуниши истаймиз. Ёш авлод тарбияси ҳақида қайғурар эканмиз, уларнинг ёрдами бизга жуда зарур.

... Чимкент кўчаси, 21-уй. Бу адресни Ленин райони аҳолиси яхши билади. Бу ерга ўнлаб оталар ва оналар ўз ташвишлари билан келишади. Бу ердагилар уларнинг ташвишига ҳамдард бўлишади.

Р. НУЪМОНОВ.

ҲУҚУҚ БИЛИМЛАРИ — ОММАГА

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги жамоатчилик асосидаги ҳуқуқ билимлари мактабида янги ўқув йили бошланди. Унинг машғулотларида халқ депутатлари, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, уларнинг бўлимлари ва бошқармалари ходимлари, йирик корхоналар ва ташкилотлар кадрлар бўлимларининг ходимлари қатнашмоқдалар.

Машғулотларни Тошкент Давлат университети юридик факультети ўқитувчилари, чунончи доцентлар Г. Тансиқбоева, З. Бершовер, Б. Блиндер каби малакали мутахассислар олиб боришяпти.

Жамоатчилик асосидаги юридик мактаб ташкил этилгандан бери 1147 тингловчи ўқувнинг тўла курсидан ўтди.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Фоторепортаж





Кўнгилли халқ дружиналари шаҳар штабининг жамоатчилик билан ўзаро алоқа боғлаш бўйича инспектори милиция капитани Жанна Семеновна Тропина ички ишлар органларида салкам 20 йилдан бери ишлаяпти. 1964 йилда у Куйбишев районида кўнгилли халқ дружиналари штабини ташкил этишга киришган эди, Кейин Ленин районида ишлади, 1967 йилдан бери эса унинг иш жойи Тошкент қуранти рўпарасида. Бу ерда ҳар куни кечқурун «ДНД шаҳар штаби» ёзуви чарақлаб ёнади.

Ўтган даврда милиция кўнгилли ёрдамчиларининг сафи анча ўсди. Ҳозир республика пойтахтида ўз сафига 100 мингдан зиёд дружиначи бирлаштирган 1096 та дружина ишлаяпти. Унинг сафидагиларнинг 14,8 проценти коммунистлар, 45,3 проценти комсомоллар.

5 мингдан зиёд комсомол аъзосини бирлаштирган оператив комсомол отрядлари жамоат тартибини сақлашда катта ёрдам кўрсатяпти. «Тошкент трактор заводи», В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, 1-уйсозлик комбинати, чинни, 1-авторемонт заводлари, «Оргтехстрой» трести, ТошМИнинг халқ дружиналари тартиб бузилишларига қарши курашга сезиларли ҳисса қўшяптилар.

Жанна Семеновнанинг ташвишлари кўп. У кўнгилли халқ дружиналари район штабларининг ишини уйғунлаштириб олиб боради, дружиначиларнинг ҳар куни навбатчиликка чиқишларини назорат этади, шаҳарнинг барча районларидан ўзига тушадиган маълумотларни умумлаштиради.

Ҳа, у серташвиш вазифани бажаради. «Бу ишга ўрганиб қолганман, — дейди Ж. Тропина, — бошқача ҳаётни тасаввур эта олмайман. Бизнинг куч-ғайратимиз билан шаҳарда осойишталик сақланади. Бизнинг ёрдамчиларимиз эса йил сайин кўпаймоқда».

Шаҳар кўнгилли халқ дружинаси ветерани Ж. Тропина бугун ҳам одатдагидек навбатчиликка туради. Унинг иш жойи — бутун шаҳар.

СУРАТЛАРДА: кўнгилли халқ дружинаси шаҳар штаби инспектори Ж. Тропина; Жанна Семеновна Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кўнгилли халқ дружинаси ишини назорат этиш бўйича инструктори И. Муратди, Ленин район ички ишлар бўлими патруллик хизмати милиция катта сержанти С. Болтабоев ва Куйбишев район кўнгилли халқ дружинаси район штабининг вакили А. Мухаметшинлар билан дружиначиларнинг навбатчиликка чиқиш графигини келишиб оляпти; «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ дружиначилари патрулликка чиқиб кетишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Пассажирлар ташиш яхшилансин

ТАКСИДАГИ ҲАНГОМАЛАР

Тошкент аҳолисига бир маромда транспорт хизмати кўрсатиш масаласи шаҳар партия ва совет органларининг доимий эътиборида турибди. Унинг муаммолари матбуот саҳифаларида, радио ва телевиденеда тез-тез муҳокама этиляпти. Шаҳарни социал, иқтисодий ва маданий ривожлантириш халқ хўжалик планида транспортда юк, шу жумладан пассажирлар ташишни яхшилаш масалаларига катта аҳамият берилган.

Шаҳар автопарклари янги автобус ва таксомоторлар билан мунтазам тўлдириляпти. Лекин пассажирлар ташишнинг ташкил этилишини яхшилаш юзасидан комплекс тадбирлар кўрилаётганига қарамай, бу ишда камчиликлар ва нуқсонлар, баъзан суиистеъмол қилиш ҳоллари рўй беряпти. Бу борада таксомотор паркларидаги аҳвол ўта қониқарсиз. Такси пассажирларига қониқарсиз хизмат кўрсатилгани ҳақида шу йилнинг фақат тўққиз ойида 27 та ариза ва шикоят тушди. Уларда ҳайдовчилар қўпол муомалада бўлиши, ортиқча ҳақ олиши, йўлда биринчи чиққан пассажирнинг ҳохиши сўралмай қўшимча йўловчилар чиқарилиши, ҳар бир пассажир билан алоҳида-алоҳида ҳисоблашиш, шу йўл билан чўнтакни қаппайтириш фактлари хабар қилинади.

Шундай йўллар билан давлат транспорти меҳнатсиз даромад манбаига айлантирилади. Табиийки, такси пассажирларига хизмат кўрсатиш соҳасидаги бундай нуқсонлар ва суиистеъмол қилиш ҳоллари БХСС оператив аппаратлари назаридан четда қолаётгани йўқ. Улар бошқа хизматлар ва органлар билан ҳамкорликда, жамоатчилик билан яқин алоқада шаҳар таксомотор паркларидаги жиноий жазолашга лойиқ ҳатти-ҳаракатларни аниқлаш ва очиб ташлаш, барҳам топтиришга қаратилган оперативлик-қидирув ишларини планли равишда амалга оширмоқдалар. Айни пайтда мижозларни алдаш ва ҳақига хиёнат қилиш билан шуғулланаётган такси ҳайдовчиларини аниқлаш бўйича умумшаҳар миқёсидаги профилактика тадбирлари ишимизнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Таксомотор ҳайдовчилари томонидан суиистеъмол қилиш ҳолларининг олдини олиш формаларидан бири уларнинг нотўғри ҳаттиҳаракатлари ҳақидаги аризаларни текшириш натижаларини таксопаркларнинг барча ходимлари эътиборига етказиш ҳисобланади. Шу билан бирга йўл қўйилган нуқсонлар учун шофёрларнинг ҳуқуқий масъулияти масалалари бўйича БХСС ходимларининг чиқишлари мунтазам уюштириляпти.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари мухбирлари, телевиденне ва радио вакиллари иштирокида умумшаҳар рейдлари ўтказилиши ижобий профилактик самара беряпти.

Таксопарклларда ҳайдовчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишнинг яхши йўлга қўйилиши, контрол-диспетчерл и к хизмати ходимлари томонидан линияларда қаттиқ назорат ўрнатилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

1984 йил бошидан бери кўрилган чоралар натижасида шофёрларнинг мижозлар билан ҳисоблашишида қонда бузилганликларнинг 23 та факти аниқланди. Булар бўйича 9 та жиноий иш қўзғатилди. 6 иш иш жойи бўйича ўртоқлик судида кўриб чиқиш учун юборилди.

Чунончи, шу йил 9 сентябрь куни экспериментал ишлаб чиқариш автокорхонаси такси ҳайдовчиси Е. Герасимов икки мижоздан 1 сўм 56 тийин ортиқча олди. Унинг 2-маршрутли таксилар автокорхонасидаги ҳамкасби Т. Тошматов ҳам пассажирлар ташишда мижозлар ҳақига хиёнат қилди. Уларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўрилди.

Келтирилган маълумотлардан равшанки, ҳайдовчилар йўл қўйган жиноий жазога лойиқ ҳатти-ҳаракатлар юридик жиҳатдан турлича баҳоланади, демак турлича жазо чораси кўрилади.

Чунончи, педагог Е. Гончарова редакцияга ёзиб юборган фактни қандай баҳолаш керак? «7 сентябрь куни 15 дан 30 минут ўтганда «ЭПАП» «05—62 ТНА» номерли таксомотор Навоий кўчаси («Ўрда» бекати) йўлкага чиқиб кетди. Ҳайдовчи пиёдаларни машинаси билан четга суриб бориб, дорихона ёнида тўхтади. Йўловчиларнинг танбеҳига қўполлик билан жавоб қилди...».

Бундай қоидабузарларга нисбатан ҳам тегишли қонунлар бор. Лекин истардикки, автокорхоналарда ўз ходимларига кўпроқ эътибор беришлари, уларни маънавий эстетик сифатларга қараб танлашлари, профилактика ишлари билан кўпроқ шуғулланишлари даркор. Чунки ҳайдовчи одамлар билан муносабатда бўлади.

Фақат корхоналарнинг коллективлари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-муҳофазаси органларининг биргаликдаги куч-ғайрати билан такси пассажирларига хизмат кўрсатишдаги нуқсонларга тўсиқ қўйиш мумкин. Коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳар номини олиш учун курашаётган Тошкентда бундай ноўрин ҳатти-ҳаракатларга ўрин йўқ.

Н. ТОПЧИЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг БХСС бошқармаси бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги.

ТОШКЕНТ МИЛИЦИЯСИ ТАРИХИДАН

«ОЛТИН ОДИССЕЯ»

1925 йилда Ўзбекистон ССР Олий судининг сайёр сессияси Урта Осиё савдо банкининг собиқ кассири ишини қараб чиқди. Советлар уйи залн одамлар билан тўла эди. Уша пайтдаги газеталар Октябрь революциясидан бери Тошкентда бу қадар шов-шувли иш кўрилмаган, деб ёзишганди. Уз томонимдан шуни қўшимча қилмоқчиман: бу иш жиноий қидирувнинг шунингдек Забайкалье милициясн ходимлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги асосида муваффақиятли тугатилди.

Савдо банки ходимлари учун ўша унутилмас кун эрталаб ҳамиша сарғишта ва пухта ишлайдиган Николай Петрович кутилмаганда, одатдагидек, касса туйнигини очмади. У ўз ўрнида йўқ эди.

— Тоби қочиб қолган, — дедн ишончи билан ҳисобчи. — У кеча тиш оғриётганлигини айтгандн.

Лекин Николай Петрович эртаси куни ҳам хизматга келмадн. Бу банк раҳбарларнин ташвишлантирди. Шошилинч ревизия белгилаб, кассанн очишди. Қўшимча калит билан сейфнн очишди ва тахта бўлнб қотиб қолишди. Кассада 100 мннг тнлла пул йўқ эдн.

Бу оғир жиноятнн қидиришга «Центророэнск» жалб этилдн. Уша пайтда унга коммунист Марсаков раҳбарлик қилар эдн.

Кассирнинг нима қилганн равшан эдн. У қулай пайтнн пойлаб пулнн олган-у ғойиб бўлган. Лекин бошқача ҳам бўлишн, унинг ўзн ҳийла қурбонн бўлган бўлишн мумкин. Қнсқаси, ҳар жиҳатдан атрофлнча текшириш керак эдн.

Сергеев Тошкентда тўқ яшардн. Сигнр-бузоғи, товуқлари бор эдн. Бир пайтлар ишлаган ўрмончилик хўжалигида ўз ялповнга эга эдн. Лекин бирдан ҳаммасннн шошa-пишa сотдн. Хотнни бунинг сабабнни сўраганда: «Ишннг бўлмасин, шундай қилиш зарур бўляпти...» дедн.

Яйловни сотнб олган кишнни аниқлаш қийнн бўлмадн. У кассирнинг ўртоғи ва ўрмончилик хўжалигндаги собиқ ҳамкасбн эдн. У Сергеев яйловни сотиб олишни тавсня қилганлигнни, ўзн Забайкальега тоғасининг ёнига домний яшаш учун кетаётганлигини айтганлигнни гапирнб берди.

Шундай қилиб, Читага борнладнган бўлдн. У томонга Олмаота ва Симпалатинск орқали ўтиб борнларди. Юз берган воқеа ҳақида читалик ўртоқлар огоҳ қилиндн. Улар тасвирланётган одамга ўхшаган шахс «Харьковское подворье» шаҳар меҳмонхонасида тўхтаганлнги, лекин яқнида унн тарк этганлнгнни аниқлашдн. Бундан кейннги қидирувлар бефойда бўлдн. Сергеев худдн сувга чўккандай йўқ бўлнб кетдн.

Аслида эса бундай бўлганднм: жиноятчи тоғасини Читада топмадн. У оқ гвардиячилар билан Хитойга қочган ва ҳозир Харбинда яшаётган эдн. Сергеев эсанкнраб қолдн.

Лекин шу кез Пётр Матвеевнч Тализнн (фамилня ўзгартирилган) жонига оро кирдн. У даргол келгиндн одамга эътибор бердн. Унинг сннчков назарн Сергеев асабнй эканлигнни ва нимадандир қўрқаётганлигнни сезмай қолмадн.

— Кўрнишнигиздан тобнигиз йўққа ўхшайди!— деб ҳамдардлнк билдирдн у янгн танншнга. — Везгак бўлнб қолмадингизми!

— Ҳа, мазам йўқ,— деб тасдиқладн у. — Чарчаганман, асабларим ҳам бўшашиб қолган.

— Юринг, меннинг чорбоғимга, — деб таклнф этдн Тализнн. — У ерда ҳаво тоза, балиқ овлаш мумкин. Дардингиз ҳам йўқ бўлнб кетади.

Сергеев бу таклифга бажонидил розн бўлдн. Бунннг устига унинг янгн таннши Тайганнинг нчкарнсида, Ингода дарёсининг бўйнда яшарди. У ерга камдан-кам одам қадам ранжида қнлади.

Икки ҳафта ўтдн. Сергеев ҳовуридан тушиб, қувноқ, очиқ сўзлн бўлнб қолдн.

— Ҳурматлн Пётр Матвеевнч, снзнннг тўғри ва ажойиб одамлнгингизни кўриб-билиб турибман. Шу боисдан снзга ншонаверсам бўладн. Мен қийнн аҳволда қолдим. Менга ншончлн ҳужжатлар керак. Яънн, меннинг паспортим бор. Лекин ҳозир ярамай қолдн. Менга сохта паспорт керак. Мана мннг сўм, қолгани снзга. Розимисиз?

Бир неча кундан кейин Сергеев янгн паспортга эга бўлдн. Эндликда у Гурнй Владнмнровнч Козлов — мўйна сотнб олиш бўйнча вакнл эдн.

— Дарҳол чет элга қочнш керак, — дедн гапга якун ясаб янгн «вакнл». — Сўнгги бор ёрдам қнлнг, менда қолнб кетмайдн.

Пул ўз ншнни қнлдн. Тализнн унинг ёрдамида қнйналмасдан ўз меҳнонинн таннқлн контрабандистларга таннштнрнб қўйдн...

Шундай қилнб, Тошкентда очнқ суд бўлдн.

Жиноят учун албатта жазо берилади — қонун мана шундай қаттнқ ва адолатлнднр. Суд Сергеевнн олнй жазога ҳукм қнлдн. Тализнн ҳам насибасини олдн.

Шундан берн қарнйб 60 йил ўтдн. Ўзбекнстон милнцняси жнноятчнлнккa қаршн қнйнн курашда тобланди ва чнниққдн. Бугунги кундa — республнка ва унинг Компартнясининг 60 йиллнгнда биз бу курашнинг бошнда турганларнн мнннатдорчнлнк билан эслаймиз.

В. НИКИШИН.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

31 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

• ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

Ҳурматли редакция! Сариқ касаллиги асосан жигарни шикастлайди, уни вақтида даволатилмаса асорати ёмон бўлади дейишади. Шу касаллик ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

З. АБДУҚОДИРОВА, кўп болали она.

АСОРАТИ ЎЗИДАН ЁМОН

Сариқ касаллиги (гепатит)ни чақирувчи микроб жуда майда бўлиб, уни ҳатто электрон микроскоп остида ҳам кўриб бўлмайди, шунинг учун бу микроблар вирус деб юритилади.

Одатда вируслар ташқи муҳитга, ҳатто дизенфекциялювчи химиявий моддаларга ва иссиқликка чидамли бўлади. Бу вирус бемор кишидан у билан яқин муносабатда бўлганда, у ишлатган буюмлар, идиш-товоқлар, сочиқлардан фойдаланганда ҳасталик юқади. Кўпинча санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаганда, яъни овқатланишдан олдин қўлни ювмасдан, сабзавот ва ҳўл меваларни ювмасдан истеъмол қилганда сариқ касали билан оғриш мумкин.

Ҳозирги вақтда сариқ касали икки хил бўлиши аниқланди: биринчиси юқумли сариқ касали дейилса, иккинчиси зардобли сариқ касали дейилади. Бу касалликларни чақирувчи вируслар бир-бирига жуда яқин. Зардобли сариқ касаллиги бемор кишига ишлатилган шприц ниналари орқали, шприцда жуда ҳам оз миқдорда қон (1 граммнинг мингдан бир бўлаги) қолганда, бу шприцни ва ҳар турли медицинада ишлатиладиган асбобларни яхшилаб стерилизация қилмасдан ишлатганда касаллик юқади.

Сариқ касаллигининг вируси соғлом киши организмига тушгандан сўнг аста-секин кўпаяди. Касаллик кўпинча аста-секин бошланади, дастлабки белгилар эса ҳар турли бўлиши мумкин. Кўпинча хаста дармонсизланади, тез-тез тинкаси қурийди, ланж бўлади, серзада бўлиб қолади, иштаҳаси йўқолади, оғзи таҳир бўлади, кўнгли айнайди, айрим вақтларда қайт қилади, беморда қабзият ёки ич кетиш кузатилади, қоринда ҳаво йиғилиб шишади, қорининг ўнг томонида оғриқ ва оғирлик сезади. Бу оғриқ кўпинча ўнг томонда, қовурға остида бўлади. Беморда эт увишиши, бадан ҳароратининг кўтарилиши (37,5—38,4) ва ундан ҳам баланд бўлиши мумкин. Хасталик боши оғриши, уйқу бузилиши, акса уриш, йўталиш билан ҳам бошланиши мумкин. Айрим беморларда касаллик йирик бўғинларнинг ва мускулларнинг оғриши билан бошланади. Бу дардда беморнинг жигари, айрим ҳолларда талоқ ҳам катталашади, оғриқ пайдо бўлади, пешобнинг ранги ўзгаради, у пиво ёки қуюқ памил чой тусига ўхшайди, нажасининг ранги кулранг ёки оқиш бўлиб қолади.

Биз юқорида айтиб ўтган белгилар ўрта ҳисобда 7—8 кун давом этади, сўнг касаллиқнинг иккинчи сарғайиш даври бошланади. Бу вақтда дастлабки кўз оқи, тил ости шиқилик пардаси ва юмшоқ тағлай сарғаяди, сўнг аста-секин тери сарғаяди.

Касаллик ўртача ўтганда юқорида айтиб ўтилган сариқ касаллигининг белгилари 2—3 ҳафтадан сўнг аста-секин камайиб боради, жигар ва талоқ қисқаради, беморнинг иштаҳаси очилади, уйқуси ўз аслига тушади, териси ва шиллиқ қаватлари оқариб боради, бемор аста-секин тузалади.

Беморни касалхонага ётқизгандан кейин у ишлатган барча уй-рўзғор буюмлар зарарсизлантирилиши шарт. Идиш-товоқлар, сочиқ, чойшаб, ёстиқ жилди камида 30 минут қайнатилади. Бемор ётган хона шамоллатилиб, сўнг дезинфекция қилинади. Беморнинг оила аъзолари 45 кун ичида медицина ходимлари назорати остига олинади. Ёш болаларни сариқ касаллигидан сақлаш учун гаммаглобулин қилиш мақсадга мувофиқдир.

Сариқ касаллигининг олдини олишдаги энг муҳим чора-тадбирлар — шахсий ва жамоат гигиенаси талабларига қатъий риоя қилиш, ахлат, озиқ-овқат қолдиқларининг кўпайишига йўл қўймаслик, уй ва ҳовлиларни озода тутиш керак.

Биз юқорида айтган чора-тадбирлар якдиллик билан қўлланилса, режимга ва парҳезга амал қилинса, сариқ хасталиги енгил ўтади ва хавфли асорат қолдирмайди.

В. МАЖИДОВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

• Наботот—ҳаёт манбаи

ГИЁҲДАН ЯНГИ ДОРИ

Диёримизда шифобахш ўсимликлар жуда кўп. Шулардан бири бузноч дир. У кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 30 — 50 сантиметрга етади.

Медицинада унинг гули ишлатилади. Бузноч саватчаси (гул тўпламы) таркибида флавоноидлар, стероид бирикмалар, инозит, эфир мойи, бўёқ ва бошқа моддалар бўлади. Ўсимлик ер устки қисмида ошловчи моддалар, К витамини ва эфир мойи сақлайди. Шу моддаларга бой бўлганлиги учун унинг препаратлари бир қанча хасталикларда ишлатишга тавсия этилган. Жумладан жигар, ўт пуфаги, ўт йўлини даволаш учун ва ўт ҳайдовчи дори сифатида жуда яхши наф беради.

Фармацевтика саноати унинг қуруқ экстрактини порошок (талқон) ҳолида, «фламин» номи билан таблетка шаклида ишлаб чиқаради ва дорихоналарга юборилади.

Яқинда ўсимликнинг яна бир хосияти аниқланди. Украина ССР Фанлар академияси микробиология ва фирусология институти олимларининг изланишлари натижасида янги дори — «Аренарин» кўз суртмаси яратилди. Асосий таъсир этувчи моддаси — аренарин (гиёҳнинг лотинча номи) бузноч ўсимлигининг гулидан олинди.

Янги дори бактерияларга қарши самарали таъсир кўрсатиб, кўзга мутлақо зарар қилмайди. У асосан термик ва кимёвий куйганда қўлланилади. Жароҳатланган тўқималарни тез битиради. Шунингдек, шамоллашга ҳам қарши таъсир кўрсатади. У 6—8 кун мобайнида ҳар куни 3—4 мартадан кўзга суртилади. Шифобахш гиёҳдан яратилган янги дорини келажакда кенг кўламда ишлаб чиқариш мўлжалланган.

М. МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

• БИЛАСИЗМИ?

СУНЪИЙ ЖАҒ

Сунъий жағ ўрнатишнинг усули кўп, лекин уларнинг ҳеч бири на врачларни, на беморларни тўла қондиролмаяпти. Яқинда АҚШда ишлаб чиқарилган усул бу соҳада янгилик бўлди. Сунъий жағ кобальт ва самарий қотишмасидан тайёрланган жағжи, лекин ўта кучли магнит ёрдамида мустаҳкамланади. Бор-йўғи 30 граммлик бу магнит 259 килограммгача бўлган вазндаги юкни кўтара олади. Тишда эса, қаттиқ таом чайналган тақдирда ҳам, кўпи билан 80 килограммлик куч таъсир этади, холос.



Комсомол аъзоси Бурхон Расулев бундан олти йил муқаддам Ўрта Осиё медицина-педиатрия институтини тамомлаган эди. Ҳозир у Собир Раҳимов районидаги 7-болалар поликлиникасида участка врачи бўлиб ишлайди, «тез ёрдам»нинг 13-подстанциясида навбатчилик ҳам қилади. Участка врачларининг яқинда бўлиб ўтган конкурсида у учинчи совринли ўринни эгаллаб, район соғлиқни сақлаш бўлимининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

СУРАТДА: Б. Расулев.

М. Нуриддинов фотоси.

Медицина муассасаларида

БОЛА СУЯГИ ШИКАСТЛАНСА...

Боланинг таянч органлари шикастланса ёки суяк касалланса бундай беморларни даволайдиган махсус травматолог ва ортопед врачларга кўрсатиш керак. Ҳозирда болалар ортопед врачлари деярли ҳамма поликлиникаларда ишлаб турибди. Улар ўз районида болалар ўртасида бўладиган суяк шикастланишлари и н и даволашдан ташқари, ортопедик касалликлар туғма ногиронлик, бўйин қийшиқ касаллиги, маймоқлик, умртқа поғонаси қийшайишлиги, ясси оёқлик ва бошқа касалликларни даволайдилар. Агар районда шу мутахассислик бўйича врач бўлмаса ёки касалликни кўрсатиш вақти ўтиб кетган бўлса шикастланган болаларни районда кечаю-кундуз ишлайдиган травматологик пунктларга олиб бориш лозим. Бу пунктлар Куйбишев, Ленин, Ҳамза, Чилонзор ва Акмал Икромов районларида мавжуд.

Тошкент шаҳрида болалар шикастланганда 14-болалар шифохонаси, 17-шаҳар касалхонасида жойлашган болалар травматологик бўлими, травматология институти болалар бўлими, 16-шаҳар шифохонасининг болалар хирургик бўлимларига ҳам мурожаат қилиш мумкин. Бундан ташқари, бола тўсатдан шикастланса шаҳар шифохоналарининг хирургик бўлимларига олиб борилса бўлади.

Болалар шикастланганда шаҳримиздаги барча медицина муассасаларида малакали медицина ёрдами берилади. Кейинги вақтда Тошкентда шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли марказий шаҳар болалар консультатив ва диагностик поликлиника очилди. Бу ерда ҳаста бўлган болаларга барча мутахассис врачлар малакали ёрдам кўрсатишади. Поликлиника қошида турли соҳа мутахассис врачларидан малакали маслаҳатлар олиш мумкин, чунки бу поликлиника замонавий асбоб-ускуналар билан ғоят яхши таъминланган. Бу консультатив поликлиника Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 76-уйда (ТошмИ ёнида), шу ернинг ўзида Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институти ҳам (Карл Маркс кўчаси, 73-уйда) жойлашган. Бу ерда ҳам суяк касалликларига чалинган болаларга малакали ёрдам берилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги пайтда травматология ва ортопедия шифохоналарида барча суяк касалликлари яхши даволанади.

Т. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги болалар бош травматологи, медицина фанлари кандидати.

• БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ВАННА ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

Ванна гигиеник ва бадан нинқтириш тадбирларидан биридир. Сувнинг ҳароратига қараб ванналар ҳар хил бўлади.

10—15 минут давом этадиган илиқ ванналар кишини тетиклантиради, куч-қувват бағишлайди. 15—30 минутлик ванна эса, айниқса асабий кишилар учун жуда фойдали. Шу сабабли бирон-бир нарсадан тез таъсирланадиган ёки жизғаги кишиларга илиқ ванна қабул қилиш тавсия этилади.

Совуқ ванналар асаб, аниқса юрак-томир системасини тетиклантиради. Ваннадан сўнг бадан ҳўл сочиқ билан ишқаланса, модда алмашуви яхшиланади. Бу тадбирни семиришга қарши курашишда ҳам фойдаси кўп.

Иссиқ ванналар кишига кучли таъсир этувчи процедура бўлиб, модда алмашувини кескин кучайтирса-да, лекин асаб ва юрак-томир системаларини қўзғатиб юборади. Шу боисдан иссиқ ванна қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида олдин врач билан маслаҳатлашиш лозим.

Хўш, ванна қабул қилишдан олдин нималарга эътибор бериш керак?

Энг аввало, ванна тоза қилиб ювилади. Бунинг учун ҳар хил пасталар, порошоклар, чўтка ва совун ишлатилади. Ваннага тушишдан олдин бош ва юзни совуқ сувга чайқаб олиш керак. Аста-секин сувга тушиш ва ваннага ўтирганда сув кўракдан юқори бўлмаслиги зарур. Бу тадбир кўкрак қафасининг нафас олишини енгиллаштиради.

Ваннага ўтирганда киши ўзини эркин тутиши, оёқлар эса ванна деворига тиралиб туриши керак. Чўмилиб бўлгандан сўнг баданни қизаргунча артиш ва баданнинг яйраганига қаноат ҳосил қилиш лозим.

Юқоридаги тадбирларга амал қилган киши ўзини соғлом сезади, иши унумли бўлади.

„ТО" спорт ҳафтаси

Тошкент — Олмаота шахмат матчи

ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА



«Вечерняя Алма-Ата» ва «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари ҳонларни ўртасидаги шахмат матчи мана саккиз ойдан бери давом этяпти. Ўтган чоршанба куни — 24 октябрда сиртқи шахмат матчининг иккинчи партиясида олмаоталикларнинг навбатдаги юришни эълон қилинган эди. Эслатиб ўтамиз: улар фарзининн d7 катагидан c6 катагига юришган эди.

Пойтахтимиз шахмат мухлисларн ўзларн оқ доналар билан ўйнаётган партияда навбатдагн ўн тўққизинчи юриш устида бир ҳафта ўйлашларн лозим эди. Ана шу муҳлат ўтди. Редакция навбатдагн юришга доир жуда кўп фикр ва таклифларни олди. Таклифлар ҳар хил эди. Аммо сиртқи шахмат матчининг аксарият қатнашчилари d1—d3 юришини таклиф этишди.

Биринчи бўлиб ана шу юришни хизматчи Н. Костин, ўқитувчи Д. Шокиров, химик Б. Долимов, ишлаб чиқариш таълими мастери Б. Офицеров, Тошкент шаҳридаги 125-мактабининг 6-синф ўқувчиси К. Кирясов таклиф этдилар. «Камалак» шахмат клубининг совети ана шу юришни маъқуллади. Бу юриш Қозоғистон пойтахтига маълум қилинди. Энди юриш навбати олмаоталикларда. Биз эса ҳурматли тошкентликлар сизларга шу партиядаги аввалги юришларни яна бир карра эслатиб ўтамиз.

Шундай қилиб, сиртқи шахмат ўйини давом этяпти. Азиз тошкентликлар, ўтган саккиз ой давомида ана шу матчнинг ўтказилиши ҳақида сизларда қандай фикрлар пайдо бўлди! Ана шу ҳақда қуйидаги адресга ёзиб юборинг: индекс 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» [«Дўстлик матчи»]га. Қуйидаги телефон орқали қўнғироқ қилсангиз ҳам бўлади: 32-55-32, 33-08-74.

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

Республикамиз пойтахтида қиличбозлик бўйича ВЦСПС биринчилиги ниҳоясига етди. Унда иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарларининг кўнгилли спорт жамиятлари иштирок этди.

Умумкоманда ҳисобида «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Марказий советининг вакиллари биринчи ўринни эгаллашди. Студентларнинг ана шу муваффақиятига Ўзбекистон қиличбозлари спорт мастерлари учқудуқлик Валерий Малахов, тошкентлик Валерий Сизов, Ильдуз Хабибуллин, Валерий Захаревич ва Ирина Шульгина муносиб ҳисса қўшишди.

* * *

Шаҳримиз стадионларида футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг финал турнири тугади. Турнирда физкультура коллективларининг энг яхши олти командаси Бутуниттифоқ биринчилигининг иккинчи лигасида ўйнаш ҳуқуқини берадиган ягона йўлланма учун кураш олиб бордилар. Чемпион «Средазкабель» стадионида ўтган ҳал қилувчи беллашувда аниқланди. «Бинокор» (Қибрай) — «Хоразм» (Хонқа) учрашувида ҳисоб очилгани йўқ. Аммо бу натижа Хоразм области футболчиларига иккинчи лигага ягона йўлланмани қўлга киритиш имконини берди.

Тошкентда «Спартак» кўнгилли спорт жамияти Ўзбекистон Советининг бадиий гимнастика бўйича очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Кўпкуришда Ўзбекистон терма командаси, шахсий ҳисобда эса тошкентлик Ирина Лизунова ғолиб чиқдилар.



«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида спортнинг бир қатор турлари бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

СУРАТДА: ана шу жамият аъзоси спорт мастерлигига кандидат Дмитрий Терентьев.

И. Сизов фотоси.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

• МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН ҲОРДИҚ МАСКАНЛАРИ

Бу йил ГДРнинг пансионатларн ва дам олиш уйларида беш миллион меҳнаткаш ўз онла аъзолари билан ҳордиқ чиқардн. ГДР ташкил топгандан кейинги йиллар мобайнида биргина касаба союзларн томонидан беш юзта янги соғлиқнн сақлаш масканларн бунёд этилдн. Бундан ташқарн меҳнаткашларнинг касаба союз путёвкаларн билан Болтиқ соҳилларидаги энг яхшн меҳмонхоналар, Тюрнинг ўрмонн ва Саксоння тоғларида ҳордиқ чиқарншига икки минг ўрин ажратилмоқда. Дам олувчилар путёвка ҳақнинг ўттиз процентдан кам бўлган баҳосинн, болалар учун эса бор-йўғи ўн-ўн беш процентнн тўлашади.

• «ГАНГ ОПЕРАЦИЯСИ»

«Ҳиндистоннинг рамзи бўлмиш Ганг дарёсининг ифлосланишига йўл қўйилмасин». Ҳинд олимлари, турли соҳаларнинг мутахассислари ўз олдиларига ана шундай вазифа қўйганлар. Мамлакатда узоқ муддатга мўлжалланган «Ганг операцияси» экологик программасини бажаришга киришилди. Унда Ҳиндистоннинг ўттизга яқин университетлари ва бошқа илмий муассасаларн қатнашмоқда. Миниглаб кўнгиллилар ана шу тадбирни пропаганда қилишда активлик кўрсатмоқдалар.

• ҚИММАТГА ТУШГАН САФАР

Цюрихда [Швейцария] яшовчи бир киши уйидан уч квартал узоқда турадиган таниншиникига боришга аҳд қилди. Ана шу сафардан кўрилган зарар эса 300 минг Швейцария франкнн ташкил этди. Йўл жуда сирғанчиқ эди, автомобиль эса бошқарувнни йўқотиб водопровод колонкасинн синдириб кетди. Ундан чиққан сув трамвай линиясинн тузатиш учун қазилган зовурни тўлдирди ва у ерда ўрнатилган электр аппаратнн ишдан чиқарди. Ана шуннинг оқибатида бир неча соат ичида бутун шаҳар трамвай тармоғи ишдан чиқди.

• ЖАҲОНДА ҚАНЧА АЛОҚА БЎЛИМИ БОР?

Жаҳон почта союзининг Бернда [Швейцария] эълон қилинган статистика маълумотларининг гувоҳлик берншича, дунёда ҳозирги пайтда 640 мингта почта бўлимлари ишлаб турган экан. Ҳар йилн бу почта бўлимлари 164 миллиарддан знёд хат ва почта открыткаларни, 160 миллиард печать нашрлар ва бандеролларни, шунингдек 2 миллиардга яқин посилкаларнн қабул қилиб олади ва унн эгаларига жўнатади. Бундан 110 йил муқаддам ташкил этилган Жаҳон почта союзига дунёдаги 160 давлат, шу жумладан Совет Иттифоқи ҳам аъзодир.

• АВТОБУС УРНИГА... ДИРИЖАБЛЬ

Англиянинг йирик шаҳарларн кўчаларидаги ҳаракатнинг тнгизлиги автобусларда экскурсияга чиққанларнн жуда ҳам толиқтирнб қўймоқда. Англиянинг туристик компаниялари бундай тадбирларда дирижабллардан фойдаланиш кераклигн ҳусусида жиддий бош қотирмоқда. Бир мунча баландликдан турнб саройлар ва эҳромларнн, ёдгорликлар ва кўприкларнн кўздан кечирнш мумкнн. Лекин бир нарса жуда ҳам ноаниқ бўлиб қолдн: бордн-ю экскурсиячиларнинг бирортаси зарурат юзасидан ташқарига чиқмоқчи бўлса нима бўлади, ахнр у парашют билан ўзнинн ерга ташлаб олмайди-ку!

• НОДИР ТОПИЛМА

Италиянинг Сан-Еджило қишлоғидаги уйлардан бирида топилган расм буюк Тицианнинг мўйқаламига мансуб экан. Таниқли мутахассис-санъатшунос Жузепе Фиоконнинг фикрн ана шундай. Сўнгги сўзни эса нуфузли экспертлар комиссиясн айтади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет оқшоми

31 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

БЎРОНЛИ бекат

Чингиз АЙТМАТОВ.

(АСРГА ТАТИГУЛИК ҚИСҚА ҲИКОЯ)

Аммо бундай урушлар орасида осойишта дамлар ҳам бўларди.

Шундай осойишта дамларнинг бирида найманликларнинг юртига карвонда мол ортиб келиб қолган савдогарлар чой ичиб, гурунглашиб ўтиришганда ўзларн кўриб шоҳидн бўлган бир воқеанн гапириб беришади. Айтишларича, улар Сариўзак даштининг жунгжанглар томонидаги қудуқлар ёнидан бемалол ўтиб боравётганларида йўлда каттакон туялар подасини ўтлатиб юрган бир навқирон чўпонга кўзларн тушиб қолади. Савдогарлар у билан гаплашмоқчи бўлиб оғиз очганларида чўпоннинг манқурт эканини пайқаб қолишади. Сиртдан қараганда чўпон соғлом йигитга ўхшар, аммо унинг бундай бўлганини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмасдн. Балки у қачонлардир бошқалар сингари эс-ҳушни, сўзамол бўлгандир. Узн ҳам ўн гунидан бир гули очилмаган, мўйлаби эндигина сабза ура бошлаган, келбати келишган, аммо икки оғиз гаплашмоқчи бўлсанг, ҳудди кеча туғилганга ўхшайди, бояқиш на ўзининг, на ота-онасининг исмини биладн, на жунгжанглар унн қандай куйга солишганини, уруғ-аймоқларн кимлигини ҳам унутиб юборган. Бирон нарса сўрасанг лом-лим демайдн, фақат «ҳа» ёки «йўқ» деган жавобни беради, ҳамма вақт бошига бостирнб кийилган телпагидан қўлини тушнрмайдн. Гноҳ эканлигини билишса-да жисмонй майиб-мажруҳларни ҳам одамлар мазах қилишади.. Шундай манқуртлар ҳам бўлар эмишки, уларнинг бошига кийдирилган туя терисн баъзан бош терисн билан бирга қўшилиб ўсар эмиш ва ҳоказолар хусусида сўз юритиб кулишади. Бундай манқуртларнн; кел, бошингни пар билан бурлаб юмшатамиз деб қўрқитишса, гўё бундан ортиқ жазо йўқдек, кўзларн қнниндан чиқиб кетар экан. Узн эса всв от сингари депсиннб, бировнинг қўлинн бошига яқинлаштирмас экан. Бу хил манқуртлар куну тун, ҳатто узлаганда ҳам телпагинн ечмас экан... Бироқ, дея сўзга қўшилдн мехмонлардан бири, манқурт гирт аҳмоқ бўлса ҳам ишига пухта экан— токи биз унинг туяларидан узаб кетмаганимизча кўз-қулоқ бўлиб кузатиб турибдн. Карвончилардан бири кетиб бораётиб яна ўша манқуртнн мазах қилмоқчи бўлиб сўрабдн:

— Борар ермиз олис. Сендан кимга салом айтайлик! Суйган сулувинг қай томонда яшайдн! Айтавер, яширмай. Эшитяпсанми! Сенинг номингдан рўмол тортиқ қилсак қалай бўладн!

Манқурт йўловчига тикилганча узоқ вақт индамай турдн-да, сўнг дедн:

—Мен ҳар кунн ойга тикиламан, ой эса менга тикилади. Аммо биз бир-бирнмизнинг овозимизни эшитмаймиз... У ёқда кимдир ўтирибдн...

Гурнинг оснсида ўтовда бир аёл савдогарларга чой қуйиб турганди. Бу Найман-Она эдн. Сариўзак афсонасида у мана шу ном билан машҳур бўлиб қолган.

Найман-Она келган меҳмонларга сир бой бермадн. Бу хабарни эшитиб, ногоҳ дақшатга тушганлигнни, ранги-рўйи ўзгарнб кетганлигнни ҳеч ким сезмадн. У савдогарлардан ёш манқурт тўғрисида яна нималарнидир сўраб-суриштирганси келар, аммо ҳудди мана шу нарса — айтилган гаплардан кўпроқ нарсани билишдан у ваҳимага тушдн. Найман-Она тилнни тнйдн. Яраланган қушнинг чинқирогн сингари қалб туғёнинн ичига ютдн... Бу орада суҳбат мавзуи ўзгариб, турмушда нималар бўлмайдн деганларидек ҳозиргина гаплашиб ўтирган бечора манқурт ҳақидаги воқеанн бутунлай унутишди. Найман-Она бўлса, ҳақиқатан ҳам, ҳалигн қалбида фарёд чекаётган қушнинг овозини ўчирншга интилганн сингари бутун вужудинн қамраб олган қўрқувдан ўзнни тинчитишга ва қўлларининг тнтроғнни босишга ҳаракат қнларди. У энди кўпдан бери оқара бошлаган сочларига ташлаб юрадиган қора мотам рўмолинн манглайн узра юзига тушнрнб олган эдн.

Савдогарларнинг карвонн кўп ўтмай ўз йўлига равона бўлдн. Ўша кеча тонг отгунга қадар турлн ўй-хаёллар оғушига чўмган Найман-Она Сариўзак даштидагн ўша манқурт-чўпоннн топиб, унинг ўғлнмн ёки йўқмн эканлигнга ншонч ҳосил қилмагунча кўнгли тинчимаслигнни англади. Она кўнглнни аллақачонлардан берн жанг майдонида қолган ўғлнинг ўлган-ўлмаганлигн ғаш қилиб келар эдн, энди ана шу сезгн, ана шу гумон яна қўзғалиб, унн дақшатга сола бошладн... Бундай қийноқлару азоб-уқубатлардан бир умр дард-алам чекиб, гумонсираб, хавотирланиб юргандан кўра, албатта, ўғлинн бир эмас, иккн бор кўмганн яхши эмасмн.

Унинг ўғли Сариўзак томонларда жунгжанглар билан бўлган жангда шаҳид бўлган эдн. Эрн ҳам бундан бир йил муқаддам ҳалок бўлгандн. Найман элида маълум ва машҳур эдн у. Вақти келиб ўғли отасининг ўчини олиш учун биринчилардан бўлиб жангга отланадн. Ҳалок бўлганларнн жанг майдонида қолдирнб кетиш номус саналадн. Қариндошуруғлари жангчининг жасадини олиб келишларн лозмм. Бироқ бунинг нложн бўлмади. Уша катта жангда қатнашганлардан кўпгина кнши душман билан рўбарў келиб жангга кирншганида унинг ўғли отининг ёлнни қучоқлаганча йиқилганнни, жанг суронидан қизишиб чўнб қолган от унн олиб қочганнни кўрншган экан. Шунда йиғнт эгардан қулайдн-ю бир оёғи узангидан чиқмай ўзи отнинг ёнида осилиб қолади, бундан баттар ҳуркиб кетган от жон-жаҳдн билан унинг жонсиз танасини чўл ичкарисига судраб кетадн. Водарнғ, от ғаним томон сурнб кетадн. Олатаснр қиёмат қўпганнга, ҳар бир жангчи кураш майдонида бўлишн лозимлигига қарамай қочиб бораётган отни ва марҳумнинг жасадини зудлик билан қўлга кирнтиш учун қабиладошларидан икки кишн отларнни йўрттирнб кетишдн. Аммо шу пайт жунгжангларнинг сой ичида, пистирмада турган бир неча ҳайдар кокилли суворийларн қийқирншганча уларнинг йўлнни кесиб чиқишдн. Найманлардан бирн шу заҳотиёқ камон ўқига учиб ҳалок бўладн, иккинчиси эса оғир яраланиб ортга қайтадн ва сафдошларн ёнига аранг етиб келиб шу ерда қулаб тушадн. Шу воқеа туфайли найманлар урушнинг ҳал этувчи энг қулай пайтн келишн биланоқ жунгжангларнинг ён томондан зарба берншга шайланиб турган гуруҳларн пистирмада яшрнниб ётганнни вақтида сезиб қолишдн. Найманлар қайта саф тузиб яна жангга кирнш учун шошилнич равишда чекинишдн. Албатта, бундай қизғин-жангу жадал ичида Найман-Онанинг ўғли, ёш жангчининнг нима бўлганнни сурнштирнб ўтнришга кнм ҳам фурсат топибдн дейсиз... Отнда чопиб келиб, ўз сафига аранг қўшилган ҳалигн ярадор найман йигитнинг кейнинчалик айтиб бернишча, онанинг ўғлнни судраб кетаётган отнн қувлаб бораётганларида от номаълум томонга бурилиб кетиб, дарҳол кўздан ғойиб бўладн...

Жангчининг жасадини излаб найманлар неча кунлаб дала йўлларнн кезиб чиқадилар. Бироқ улар на марҳумнинг жасадини, на унн олиб қочган отнни, на туширнб қолдирган қурол-яроғнни, на бошқа бирон белгн-аломатнн топа олмадилар. Унинг ҳалок бўлганн ҳеч кимда шубҳа қолдирмаган эдн. Борингки, ярадор бўлган тақдирда ҳам орадан ўтган кунлар орасида чўлда сувга ташналикдан ёкн бўлмаса қон кетишндан ҳалок бўлардн. Ёш бнродарларнинг кимсасиз Сариўзак чўлн бнёбонида дафн этилмай қолиб кетганн аламидан ҳасрат-надомат чекдилар. Бу ҳаммага нснод келтирди. Найман-Она ўтовида овоз чиқариб йиғлашган хотнн-халажлар ўз эрларн ва оға-нниларн шаънига таъна тошларнн ёғдирдилар?

— Унинг кўзларнни қузғунлар чўқиса, шоқоллар гўштнни бурдалаб кетса, сизлар қайси юз билан халқ орасида бош кўтарнб юрасизлар!..

Уша кундан бошлаб Найман-Она учун ердуй кўз ўзвиллаб қолди. Тўғри, уруш қурбонсиз бўлмайди, бунн она ҳам яхшн тушунади, бироқ ўғлнинг жасади кўмилмасдан жанг майдонида қолиб кетганн унга сира ҳам тинчлик бермасдн. Аччиқ қайғу, поённ йўқ ўй-хаёллар она қалбинн пораларди. Чексиз дард-аламларнн муштлпар она кимга айтнб, кимга зорланснн, ғам-андуҳнни енгиллаштирш учун парвардигордан бўлак кимга ҳам илтижо қилснн...

Ўғлнинг ўлимнни ўз кўзн билан кўриб ншончи ҳосил қилмагунча бундай мудҳиш хаёллардан қутулиб жонни жой топмас эдн онанинг. Ана шундагина тақдирга тан беришдан чора қолмаган бўларди. Ҳаммадан ҳам ўғлнинг отн дом-даракснз кетганлигн кўнглнни баттар хижил қнларди. От ҳалок бўлмаган, балки ҳуркиб қочган. У юрдаги отлар сингари эртамн-кечмн бир кунн узангига осилиб қолган чавандоз жасадини судраб ўз қадрдон жойнга қайтишн керак эдн. Шунда қанчалнк дақшатли бўлмасин она ўғлнинг жасадн устида дод-фарёд солиб, ўпкасн тўлгунча йиғлаб, кўнглнни бироз бўшатиб олган бўларди. У ўз қисматидан, бахти қаро эканлигидан нолиб, юзларнни тирноқлари билан юмдалаб тангрнни лаънатлар эдикн, тангрнининг ҳам аҳволи танг бўлиб кетардн. Аммо шундай бўлганда эртаю кеч ич-этнни еб, гумонсираб, кўнглида совуқ шубҳанн кўтариб юрмаган бўлардн. Худодан узоқ умр бергнн деб илтижо қилиб ўтирмасдан орзу-умидларидан бир йўла маҳрум бўлган ҳолда ўлимга тайёр турнб берган бўларди. Совуқ шубҳалар она қалбинн ҳамон тирнардн. Бироқ ўғлнинг жасади топилмади, отн қайтиб келмади. Ҳар қандай йўқотиш бора-бора эсдан чиқарилганн сингари бу воқеа ҳам, вақт ўтиши билан уруғ-аймоқларн хотирасидан кўтарила бошлади... Фақат у, ёлғиз онанзоргина бесару-сомон, бетоқат бўлардн. Она ўй-хаёллар гирдобида фикрн чувалганн-чувалган. Отнн қандай жнн урдн, эгар-жабдуқларн, қурол-яроқларн қаерда қолдиййкин! Ақалли шулар топилганда ҳам ўғлоннинг ақволи нима кечганлигнни таҳминан бўлса-да англаб олардн. Ажабмаски жунгжанглар Сариўзак даштнининг бирон ерида ҳолдан тойган отнн ушлаб олган бўлсалар. Яхшигнна эгар-жабдуқлн, яна бунинг устнга ўз оёғн билан келган тулпор нақд ўлжа-ку. Ундай бўлса узангида оёғи илнниб келган ўғлнинг жасадини ғаммлар нима қилишди, — ерга кўмишдимн ё чўл даррандаларига емнш бўлдимн! Бордню у ҳалн ўлмаган, фалакнинг гардиши билан тирик қолган бўлса-чи! Чала ўлик йигитнн улар уриб ҳалок қилишган ёнмки яйдоқ далага қуруқ жасадини ташлаб кетишган бўлишсачи! Е бўлмаса!.. Магарам...

Гумон-шубҳаларнинг чекн йўқ эдн. Сайёқ савдогарлар чой ичишиб ўтиришганда Сариўзакда учраган ёш манқурт ҳақида гап очиб Найман-Онанинг ўртанган юрагнни баттар ўртаб, ярасига туз сепишганнни ўзларн ҳам пайқашмагандн. Она қандайдир фалокатнн сезиб, юраги орқасига тортиб кетдн. Уша манқурт ўғлнм бўлиб чиқса-я, деган ҳадик борган сари кучайиб, унинг ақлну ҳушнни, бутун вужудини тобора чуқурроқ, тобора кучлнроқ чирмаб ола бошладн. Уша манқуртнн излаб топиб, ўз кўзн билан кўриб, унинг ўз пушти-камарндан бўлган ўғли эмаслигнга ншончи ҳосил қилмагунча кўнгли тинчимаслигнга кўзи етган эдн.

(Давоми бор).

(Давоми. Бошн газетанинг ўтган сонларида).

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА
СССР биринчилиги учун
II группа Шарқ зонаси командалари ўртасида

ХОККЕЙ

31 ОКТЯБРДА

«БИНОКОР» (Тошкент) — «ГОРНЯК» (Дальнегорск).

3, 4, 6 НОЯБРДА

«БИНОКОР» (Тошкент) — «АМУРСТАЛЬ» (Комсомольск).

Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, иш кунлари соат 19.30 да бошланади.

46-03-12; 46-70-31; 46-07-53; 46-68-77 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ МЕБЕЛЬ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА

токарлар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-сантехниклар, слесарь-вентиляциячилар, электрослесарлар, металлга сайқал берувчилар, газ-электр пайвандчилар, машинистка.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

547-ЯНГИ БОЛАЛАР КОМБИНАТИГА

ошпазлар, ошпазларнинг ёрдамчилари, ошхона ишчилари, идиш-товоқларни йиғиштириб олувчилар, дазмолловчилар, тарбиячилар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА

Юкчилар, ёрдамчи ишчилар, экспедиторлар, товаршуносслар, қоровуллар, қозонхона операторлари, машинисткалар.

ТОШКЕНТ СУТ КОМБИНАТИГА

БОЛАЛАР ТАОМИ ЦЕХИГА: аммиакли компрессорларнинг машинистлари, слесарь-созловчилар, электромонтёрлар, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари бўйича электрослесарлар, ишлаб чиқариш цехларининг ишчилари (сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишларга), **юқорида кўрсатилган касблар бўйича шогирдлар.**

КИРОВ РАЙОНИДАГИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Чакана савдо сотувчилари (аёллар), **буфетчилар,** (аёллар), **ошпазлар, кассирлар.**

ЛЕНИН РАЙОНИДА ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

Тикувчи-мотористкалар, тикиш жараёни усталари, пайвандчилар, механиклар бухгалтерлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт —Пролетар кўчаси, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти —2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти —Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 58-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22 квартал, 18-уй.

БУЮРТМАГА БИНОАН МОДЕЛЛИ ПОЙАФЗАЛ



Ҳар бир киши тўла-тўкис ва баркамол кийинишни орзу қилади. Унинг либосларида модали, қулай ва чиройли пойафзал ҳам ўзига хос кўрк бахш этади. Лекин бундай пойафзални қаердан сотиб олиш мумкин?



Бунинг учун 1-олий разрядли ателье қошидаги учинчи пойафзал салонига мурожаат этишингизни маслаҳат берамиз.

Бу ерда мавжуд бўлган, тасдиқланган намуналар бўйича ўн беш кун ичида сиз истаган фасон ва размердаги эркаклар ёки хотин-қизлар пойафзали тайёрлаб берилади.

Салон адреси: Тошкент шаҳри, Ҳуршид кўчаси, 84-уй (2, 3, 16, 22, 25, 28-трамвайлар, 2, 9, 18, 24, 51, 60, 72-автобусларнинг «Ҳуршид кўчаси» бекати.

«ТАШГОРОБУВЬРЕМОНТРЕМБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ».

ТУРИСТНИНГ БЕБАҲО ҲАМРОҲЛАРИ

Сиз саёҳат қилаётган чоғда кўрган, кечирган энг қизиқ лавҳаларни акс эттириб қолишда бебаҳо йўлдошингиз кинокамера ва фотоаппаратлар жуда ҳам қўл келади. Саёҳат учун ишлатишда қулай ва ишончли бўлган камераларни йўлга олиш айни муддаодир.

«АВРОРА-217» ва «АВРОРА-219» кинокамералари ана шундай ҳусусиятларга эгадир. Улар ишлатишда содда: улардан фойдаланиш учун алоҳида маҳорат, юксак техникавий тайёргарлик тақозо этилмайди.

Бу кинокамераларнинг ажралиб турадиган хусусияти — кассетали зарядка ва электр приводидан қувват олиб ишлашидир.

«АВРОРА-219» киноаппарати автоматика элементлари билан жиҳозланган (диафрагма автоматик тарзда созланади) бўлиб, уни ишлатишда ғоятда қулай қилган, суратга олиш жараёнини соддалаштирган.

«АВРОРА-215» ғоятда такомиллашган бу маркадаги янги аппаратдир. Унинг қатор афзалликлари бор, булар киноҳаваскорнинг олдида талай имкониятлар беради.

Фотоаппаратнинг объективи ўзгарувчан фокусли бўлганлиги учун тасвир масштабини ўзгартириш имконини беради;

экспозиция автоматик ва қўлда созланади;

камеранинг окулярида суратга олаётган кишининг кўриш қобилияти бўйича созловчи регулятори бор (у яхши кўролмайдиган кишиларга суратга олиш пайтида кўзойнаксиз ишлаш имконини беради).


ФОТОҲАВАСКОРЛАРГА «ЗЕНИТ» ФОТОКАМЕРАСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

«ЗЕНИТ-11» — кичик форматли кўзгули фотоаппарат бўлиб, унга экспонометр ўрнатилган. Бу аппарат аввалги моделларидан орқа қопқоғининг қулфи очиқлиги, орқа перемоткасининг босилувчи кнопкаси, видержкани созлашнинг айланмайдиган головкаси, рулеткани тескари ўраш, лампа-ёритгичнинг кабелсиз уланиш каби хусусиятга эга.

«ЗЕНИТ-11» «ГЕЛИОС-44 М» объективи билан жиҳозланган (бу диафрагмани автоматик созлашни таъминлайди) ва узлуксиз созлайдиган кўзгули видоискатели бор.

Суратга олиш борасида бироз тажриба орттирган кишилар учун «ЗЕНИТ-ТТЛ» фотоаппаратини тавсия этамиз. Унинг объективи сакровчи диафрагма билан жиҳозланган. Кўриш майдонида стрелкали индикацияси бор бўлган ярим автоматик қурилмаси, экспозицияни тез ва аниқ ўрнатиш имкониятини беради. Бу айниқса рангли плёнка (слайди)ларга суратга олишда ғоятда муҳимдир.

«ЗЕНИТ» аппаратларида алмаштирувчи объектларнинг қўлланиш имконияти суратга олиш жараёнини анча кенгайтириш имконини беради.



«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.

УЙ БЕКАЛАРИНИНГ БЕМИННАТ ЁРДАМЧИСИ

СИНТЕТИК КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ УЙ БЕКАЛАРИНИНГ МАШАҚҚАТИНИ ОСОН ҚИЛАДИ.

ҲАР ҚАНДАЙ ГАЗЛАМАЛАРНИ ЮВИШ УЧУН

турли хил кир ювиш машиналарида ишлатиш мумкин бўлган бу «ЛОТОС-АВТОМАТ» кир ювиш воситаси бирмунча кам кўпириш хусусиятига эга.

Оқ газламалар унинг қоришмасида ювилгандан кейин синкалашга ўрин қолмайди.

БИОЛОГИК МОДДАЛАР ХОСИЯТИ

«ОКА», «БИО-С» порошокларига ва «БИО» пастасига биологик моддалар қўшилган.

Бу воситалар ҳар қандай оқ доғларни — сут, какао, тухум, тери, қон доғларини яхши кетказади.

«ОКА» порошоги ип ва каноп газламалари учун мўлжалланган.

«БИО-С» ва «БИО» воситаларига табиий шойи ва жундан ташқари ҳар қандай газламаларни ораста қилади.

Шуни унутмаслик керакки, кир ювиш чоғида сувнинг ҳарорати 60 даража иссиқдан ошмаслиги керак.

БУЮМНИНГ ЖОЗИБАСИНИ ТИКЛАЙДИ

«МЕЧТА» пастаси ип ва каноп газламаларнинг аввалги жозибасини ўрнига қўяди. У газламанинг толасини қирқиб юбормайди, ювилган буюмларнинг дуркунлигини узоқ вақт сақлаб қолади.

Бу паста майин ва қаттиқ сувда енгил эрийди.

«ЛАНДИШ» ВА «ВИТА»

Бу такомиллашган кир ювиш пасталари барча хилдаги газламаларни ораста қилиш билан бирга яна талай юмушни бажаради. Айниқса биллур ва чинни, керамика ва кошин, пластмасса буюмлари «ЛАНДИШ» билан ювилганда жуда ҳам тоза ва ялтироқ бўлади.

«ВИТА» пастасини кир ювиш, ванналар, раковиналар, полларни дезинфекциялаш ва дезодорациялаш учун ишлатиш мумкин.

«УЗБИТХИМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).



ЧОРШАНБА

31 ОКТЯБРЬ

● МТ I

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 Қозоғистон ССР халқ артисти А. Днишев концерти.
20.30 «Шоирлар тинчлик учун курашда». Останкино концерт студиясида поэзия кечаси.
21.30 «Время».
22.05 Останкино концерт студиясидаги поэзия кечасининг давоми.
22.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.15 Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар: «Алкоголь ва меҳнат», «Тасодифми?», «Фақат бир рюмка».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ҳужжатли фильм.
21.00 Л. В. Бетховен. Биринчи симфония.
21.30 «Время».
22.05 «Қироллнинг ҳамма лашкарлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
23.05 «Москва кузи», Совет музикаси VI фестивалининг концерти.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.45 «Адабий альманах».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Фирма, савдо, харидор» Тошкент Марказий универсал магазинидан репортаж (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.55 Ўзбекистон телевиденнеси ва радиоси мақомчилар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — «оқ олтин даврим». Ёшлар учун музикали программа.
23.30 Янгиликлар.

● Уз ТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ярим ўтказгичлар ва ўхшаш материаллар радиацион физикасига оид Бутуниттифоқ конференцияси (рус.).
18.45 «Футбол чорраҳаларида».
19.15 «Биз ҳаммамиз — пахтакормиз».
19.40 Тошкент янгиликлари.
20.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Горняк» (Дальнегорск). 2- ва 3-даврлар.
21.15 «Чегем». Телефильм.
21.30 МТ II.

4 ТОШКЕНТ ШТ. ОҚШОМИ

31 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

1 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 Мультфильм.
10.25 «Кумуш ёш». Телевизион бадиий фильм.
11.40 «Ҳайвонот оламида».
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар: «Оталаримизери», «Изланиш маршрутлари бўйлаб», «Пропагандист —беш йилликка».
16.20 А. Платонов. «Илк ёшлик тонгида».
17.25 «Келажакка интилган мамлакат», Жазоир Халқ Демократик Республикаси ҳақида киноочерк.
17.50 Жазоир артистларининг концерти.
18.15 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун.
18.45 «Миллионлар ленинча университети».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 «Святослав Рихтер Гайдн концертини чалади». Фильм-концерт.
20.30 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳужжатли экран».
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II


9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Навбатдаги тоққача». Телефильм.
11.35 Н. Никитин. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
12.30 «Оила ва мактаб» Тележурнал.
13.00— 13.10 «Қалбга яқин Мешчера». Илмий-оммабоп фильм.
14.30 М. Твен. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
15.15 «Броненосец «Потёмкин». Бадиий фильм.
16.30 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Инсон. Ер Коинот»
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Николай Бауман. Касби — революционер». Ҳужжатли фильм премьераси.
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 «Тайгадаги олишув». Бадиий фильм.
23.10 «Ильинский Маршак ҳақида». Телефильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Ильинский Зощченко ҳақида». Бадиий ўқиш.
11.30 Рус тили. «Октябрятлар».
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим» (такрорий).
12.40 «Қайнона». Телефильм.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.40 «Одамлар шаҳарлари». Илмий-оммабоп фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Денгизлар, тоғлар оша». Телефильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.55 «Чен-чун» корейс ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.20 Янгиликлар.

● Уз ТВ II

9.00 —16.35 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқитувчи экрани (рус.).
18.45 «Бригада пудрати амалда». (рус.).
19.15 Реклама.
19.25 Ўқув программаси.
20.00 Тошкент янгиликлари
20.15 «Бахтли одам». Бадиий фильм (рус.).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
— орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета
(Газета 6кр йилда 300 марта)
БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ,
Телефонлар: секретариат— 33-57-02; партия турмуши— 32-53-66; саноат —33-08-71; —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; спорт —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; спорт ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб, оила 33-54-07; —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-91-03; 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-91-03; диспетчерн — 32-78-94.
Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Байроқ ордени боемахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс
Р—12538. Б-2015.